БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 259 (3760).
15 ЧОРШАНБА
НОЯБРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сифат ва самарадорлик беш йиллигига— ишчи кафолати

Пешқадамлар сафида

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 1-уйсозлик комбинатининг 1-йирик панелли уйсозлик заводи пойтахтимизнинг янги микрорайонларида қад кўтараётган турар жойлар учун темир-бетон плиталар тайёрлаб беради. Беш йилликнинг зарбдор йилида завод коллективи ҳар доимгидан ҳам юксак унум билан ишламоқда.

Айни кунларда Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб кутиб олган уйсозлар беш йилликнинг учинчи йили топшириғини ҳам муваффақиятли адо этиб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олиш тараддудини кўришяпти. Цехлар ўртасидаги социалистик мусобақада вертикал қолиплаш цехининг Ханафи Асқаров бошлиқ бетончилар бригадаси пешқадамлик қилаётир. Коллектив ўтган ой топшириғини 190,8 процент бажариб, шу дамларда келгуси йилнинг иккинчи квартали меҳнат календари бўйича ишламоқда.

Горизонтал қолиплаш цехининг Завдет Габидов бригадаси эса ўтган ой топшириғини 180,2 процент бажарди. Коллектив ўртасидаги меҳнат беллашувида Николай Литвинов, Владимир Волосатов каби токарь, ва пайвандчилар яхши кўрсаткичларга эришишмоқда.

БУГУН

бу ишлаб чиқариш илғорлари 1979 йилнинг март ойи ҳисобига меҳнат қила бошлашди.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

БУГУН

Тошкент қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналарида йил бошидан буён тайёрлаб чиқарилган пишиқ ғишт 170 миллион донадан ошди.

Бунча ғиштдан тўрт қаватли уй-жой биноларидан ўрта ҳисобда 700 тасини бунёд этиш мумкин.

Бирлашма корхоналарида бу йил ишлаб чиқаришга жорий этилган янги резинали қувур қишлоқ хўжалик ходимлари учун жуда ҳам мос бўлди. Унинг дастлабки партиялари мелиорация ташкилотлари ўртасида тез тарқалиб кетди. Ҳозирга қадар бундай маҳсулотдан юз километрдан зиёд ишлаб чиқарилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Қора денгизнинг икки порти —Ильичевск ва Варнани туташтирган жаҳондаги энг катта паром йўлларидан бирининг очилиши совет ва болгар халқлари мустаҳкамланиб бораётган дўстлигининг, социалистик иқтисодий интеграция кенг имкониятларининг ёрқин тимсолига айланди. 14 ноябрь куни ана шу шаҳарларда СССР ва БХР портлари ўртасида денгиз темир йўл паром йўлининг очилишига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди. Ушбу тантаналар ҳақида батафсил ҳисобот тонгги газеталарда эълон қилинган.

● Ўзаро келишувга мувофик 1978 йил ноябрь ойининг охирларида Москва шаҳрида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгаши бўлади.

● «Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг «Октябрь буюк ғояларининг ижодий кучи» мавзуидаги доклади текстини ўзбек тилида китобча қилиб босмадан чиқарди. Бу доклад Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 61 йиллигига бағишлаб 4 ноябрь куни Кремлнинг Съездлар саройида ўтказилган тантанали мажлисда қилинган эди.

Ярмарка иш бошлади

БУГУН

Ўзбекистон маданий моллар савдо базасининг биносида кенг истеъмол буюмлари улгуржи-савдо ярмаркаси ўз ишини бошлади. Республикамиз шаҳар ва қишлоқларидан турли корхона ва савдо ташкилотларининг мутахассислари ўзаро шартнома тузиш мақсадида бу ерга етиб келдилар.

Ярмарка директори, республика маданий моллар савдо базасининг бошқарувчиси Шариат Исломович Исломов мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди:

— Партия ва ҳукуматимиз мамлакатимиз меҳнаткашларининг фаровонлигини ошириш борасида жуда кўп тадбирларни амалга оширмоқда. Халқимизнинг турмуш даражаси йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Буни мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда маданий, маиший, спорт, хўжалик ва галантерея молларига бўлган талаб ошиб бораётганлигидан ҳам билиш мумкин.

Ярмаркага асосан 1979 йилда республика аҳолисига етказиб бериладиган молларнинг намуналари қўйилган. Ишлаб чиқариш корхоналари, савдо ташкилотларининг вакиллари маҳсулотларнинг сифати, унга бўлган талаб, миқдори ҳақида фикр ва мулоҳазаларни алмашмоқдалар, ўраро шартномалар тузмоқдалар. Биргина маданий моллар улгуржи савдоси бўйича 20 минг номда маҳсулот намойишга қўйилган. Шундан 153 номдагиси келгуси йили биринчи марта ишлаб чиқарилади.

Ярмарка бир неча кун давом этади. Бу ерда ҳаммаси бўлиб бир миллиард 200 миллион сўмлик моллар юзасидан шартномалар тузиш мўлжалланмоқда.

Ҳаваскорлик ансамбли сафарда

КЕЧА

Германия Федератив Республикасида Совет Иттифоқи маданияти кунлари бошланди. Бу тадбирларда қатнашиш учун ўзбек ҳаваскорлик ансамбли ҳам таклиф этилган.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг республика маданият уйи қошидаги «Ҳилола» ашула ва рақс ансамбли коллективи ана шу сафарга жўнаб кетиш олдидан унинг бадиий раҳбари Исмоил Исроилов қуйидагиларни гапириб берди:

— Бизнинг ҳаваскорлик ансамблимиз бундан 20 йил муқаддам ташкил этилган. Ансамблда асосан ҳунар-техника таълими билим юртларида турли касбларни эгаллаётган йигит ва қизлар ижрочилик санъатини эгалламоқдалар.

Мамлакатимиз дўстлик жамиятининг ташаббуси билан Германия Федератив Республикасида ўтказиладиган Совет Иттифоқи кунларига катта тайёргарлик кўрдик. Репертуаримизда «Ҳилола», «Таржинаво», «Хаёлимда», «Гулойим», «Азиз Ватаним», «Жон Ўзбекистон» каби қўшиқ ва рақслар бор.

Ансамблимиз ҳаваскорлари Н. Икромов, О. Орифжонов, Х. Исломов, раққосалар Ф. Азизова, С. Ойсаева, М. Акрамова, Д. Акрамова, В. Солиҳова ва бошқалар ўз маҳоратларини намойиш этишади. Булар Тошкент корхоналарининг ёш тикувчиларидир.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК

Меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича шаҳар совети корхона ва ташкилотлар, министрликлар ва идоралар советларининг раислари билан семинар-кенгаш ўтказди. Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари, меҳнаткашлар иқтисодий таълими бўйича шаҳар Советининг раиси К. П. Дудин «КПСС XXV съезди иқтисодий таълимнинг ролини ошириш ва янги ўқув йилида уни янада такомиллаштириш вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Семинар қатнашчилари пропагандист кадрларни тайёрлаш, иқтисодий таълим шакл ва усулларини такомиллаштириш соҳасидаги тажрибалар билан ўртоқлашдилар. Ўзбекистон ССР алоқа министрининг ўринбосари Л. Абаева, «Ташпассавтотранс» Бош бошқармасининг бошлиғи Ж. Шораҳмедов, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти М. Лопатников ва бошқалар ўз сўзларида шу ҳақда гапирдилар.

«ЎША ШАРОИТДА РЕСПУБЛИКА ЁЗУВЧИЛАРИ СЪЕЗДИ БУТУН СОВЕТ МАДАНИЯТИНИНГ БАЙРАМИГА АЙЛАНИШИ МУҲИМ ЭДИ. БИЗ ОЛМАОТАГА М. А. ШОЛОХОВ, Л.М. ЛЕОНОВ, КОМИЛ ЯШИН, МИРЗО ТУРСУНЗОДА, МАКСИМ ТАНК ВА БОШҚА МАШҲУР ЁЗУВЧИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТДИК. ШУНДАН КЕЙИН КОМПОЗИТОРЛАР, АКТЁРЛАР, РАССОМЛАР ҚЎРИҚҚА ТЕЗ-ТЕЗ МЕҲМОНГА КЕЛАДИГАН БЎЛИБ ҚОЛИШДИ, ҒАЛЛА УЧУН ЖАНГ ҲАҚИДА ОЧЕРКЛАР ВА ҚИССАЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ, КИНОФИЛЬМЛАР ЧИҚАРИЛДИ, СПЕКТАКЛЛАР ҚЎЙИЛДИ, ЯНГИ ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАДИ. БУЛАР, ШУБҲАСИЗ ЎЗИНИНГ ИЖОБИЙ РОЛИНИ ЎЙНАДИ».

(КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. БРЕЖНЕВнинг «Қўриқ» эсдаликларидан.)

Мухбиримиз А. Ниёзов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Комил Яшинга мурожаат этиб, Леонид Ильичнинг янги асаридан олган таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилди.

АЖОЙИБ ҚЎРИҚНОМА

Комил ЯШИН,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик.
СССР Олий Советининг депутати.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» номли эсдаликларини зўр марок билан ўқиб чиқдим. Эсдаликлар «Ғалланг бўлса, қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди» деган сўз билан бошланади. Асарнинг бошланишидаёқ, қўшиқни эслаш билан Л. И. Брежнев адабиёт ва санъатга катта эътибор билан қарашини билдиради. «Қўриқ»ни ўқиган саринг ҳаяжонланасан, ғалла учун олиб борилган азимкор совет кишиларининг жасур образи кўз ўнгингда жонланади.

Қозоғистон чўллари кўп асрлардан буён инсон меҳрига, пешона терига муҳтож эди. 50 йилларнинг бошларида совет кишилари партия раҳбарлигида бу қўриққа ҳужум бошладилар. Бу ҳақда автор шундай дейди: **«Эски луғатлардан «Қўриқ» сўзини топишингиз мумкину, лекин «чўлқувар» сўзини тополмайсиз. Бу сўз коллективлаштириш йилларида туғилган «колхозчи» сўзи сингари эллигинчи йилларда туғилди. Ўшанда «Қўриқ» тушунчасининг ўзи соф деҳқончилик аҳамиятини йўқотиб, бу сўз ижтимоий терминга айланди. Зотан, бу сўзларда юксак гражданлик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган эди. Чўлқувар, тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади».**

«Қўриқ»ни бақувват фалсафий, сиёсий, тарбиявий, бадиий қимматга эга зўр адабий асардек ўқийсан киши. У одамни ниҳоят даражада тўлқинлантиради. Асарда табиат билан инсон ўртасидаги ғалла учун олиб борилган шиддатли жанг-у жадаллар реалистик тасвирланади. Инсоннинг табиат устидан ғолиб келганлиги, олам яратилганидан бери ғалла унмаган, поёнсиз қўриқларни очиш учун олиб борилган кураш ҳаққоний фактлар, жонли воқеалар, реал шахслар мисолида ҳикоя қилиб берилган.

Асарнинг биз — адиблар учун яна бир ибратли томони шундаки, унда миллий санъат тараққиёти ва бу борада санъаткорлар олдида турган вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган. Жумладан, асарда шундай дейилади: **«Миллий анъаналар, ўзига хослик тўғрисидаги энг муҳим масалани бачканалаштириб, этнография ва маиший лаштиришгагина боғлаш мумкин эмас. Руснинг — избалар, хоровод ва кокошниклар, Қозоғистоннинг ўтовлар ва йилқи подаларидангина иборат деб тасвирлаш шарт эмас».** Бу сўзлар санъат ва адабиёт умуминсоний хислатларни акс эттириши, чинакам маънавий, халқчил бўлиши лозимлигини ифодалайди.

Леонид Ильич Брежнев «Қўриқ»да совет кишилари олиб борган бунёдкорлик ишларини, у ерда янги инсон тобланаётганлигини ёзиб, қандай қилиб бу оламшумул воқеаларни адабиёт ва санъатда акс эттириш хусусида ҳам қайғуриб, шундай дейди: **«...Адабиёт ва санъат арбоблари учун халқ жасоратини, шу жумладан қўриқдаги жасоратни тасвирлашдан кўра ҳам қизиқарли ва илҳомбахш вазифа йўқ».**

1954 йилнинг сентябрь ойида Олмаотада чақирилган Қозоғистон ёзувчиларининг III съезди партия ва ҳукуматимизнинг қўриқларни ўзлаштириш ҳақидаги қарорларининг ҳаётбахш руҳида ўтган эди. Съездда қардош республикалардан келган бир талай таниқли ёзувчилар ва санъат арбоблари иштирок этдилар. Анжуманга Ўзбекистон ёзувчилари номидан мен қатнашган эдим. Съездда партия ва ҳукуматимизнинг Қозоғистон чўлларини ўзлаштириш тўғрисида қабул қилган қарорлари ҳақидаги фикрлар докладчилар ва нотиқларнинг нутқларида қайта-қайта жаранглаган эди. Съездда қатнашган давримизнинг буюк сўз санъаткори М. Шолоховнинг ёзувчилар билан қилган суҳбатларидан мен ҳам баҳраманд бўлганлигимдан бахтиёрман.

Съездда партиянинг қўриқ ерларни ўзлаштириш хусусидаги қарори ва халқимиз зиммасидаги улкан вазифалар тўғрисидаги докладларни тинглаганимизда, гапнинг очиғи, бу вазифаларнинг ғоят улканлигидан бениҳоя ҳайратланган эдик.

Съездда иштирок этган бир гуруҳ ёзувчилар уфққа туташ поёнсиз қўриқларни, биринчи марта униб чиқан ғаллазорларни кўриб чиқдик. Қозоғистоннинг кўп замонлардан бери қақраб ётган заминида уммондек чайқалиб турган ғаллазорда бўлганимизда, биринчи ҳосилнинг олтиндек товланиб турган буғдойларини қўлга олганимизда жуда қувонганмиз. Қозоғистон меҳнаткашларининг ғайратига, шижоатига офаринлар ўқиганмиз.

Мана, ана шу воқеага ҳам 24 йил бўлибди. Биринчи йили Қозоғистоннинг ерларидан 250 миллион пуд ғалла олинди. Кейинги йили эса қурғоқчилик бошланди Чўл қуёш ғазабида қолди. Жазирама чўлларда ғалла кўкдан томчи тушмагани учун поёни йўқ чўллардаги ғаллалар қурий бошлади. Илгари фақат қўриқ учун кураш борган бўлса, энди ғаллани сақлаб қолиш учун мардона кураш қизиб кетди. Булар «Қўриқ»да ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ўшанда анчагина кишиларнинг қўриқ ҳақида айтилган ланж сўзларини эшитиб, умидсиз кайфиятларини сезиб ўзимнинг ҳам табиатим анча хира тортган эди.

Бироқ партия кишиларни руҳлантирди, уларни офатга қарши курашишга чақирди! Халқ табиий қийинчиликларни енгди. Табиат устидан ғалаба қозонилди. Совет кишилари қўриқларни эгаллашга янада шижоат ва зўр ғайрат билан киришдилар. Бу воқеалар Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» эсдаликларида юракдан, ҳаяжонли қилиб тасвирланган. Асардаги барча воқеалар ҳаққонийдир. Қозоғистон қўриқларига бошланган дастлабки ҳужумни ва чўлда етиштирилган биринчи ҳосилни кўрганимдан бахтлиман! Орадан чорак аср ўтгач, Леонид Ильич Брежнев ўша съездда иштирок этган Иттифоқимизнинг машҳур ёзувчилари қаторида мени ҳам тилга олганларидан ғоят ҳаяжонландим!

Леонид Ильич Брежнев адабиётимизни, санъатимизни ва маданиятимизнинг энг биринчи дўсти, энг биринчи меҳрибон мураббийсидир.

Партия ва ҳукуматимиз адабиёт ва санъатга жуда катта эътибор беряпти. Чўл ҳақида, адабиёт ҳақида ўйлаганимда, кўз ўнгимда доим Ўзбекистон туради. Ғалла учун кураш қанча қийин бўлса, пахта учун кураш ҳам шундай машаққатлидир. Кейинги йилларда ўзбек чўлқуварлари Мирзачўл ва Жиззах қўриқларини ўзлаштириб, пахта етиштиришмоқда. Мен Каттақўрғон сув омбори, улуғ Фарғона канали, Бекобод қурилишлари ва Хоразм темир йўли қурилишида ёзувчи ва санъаткор дўстларим билан қатнашганман.

Ёзувчилар ҳамиша халқ, партия билан бирга. Қўриқни ўзлаштириш учун олиб борилган дастлабки йилларда содир бўлган табиий офат натижасида кишиларнинг руҳлари тушган пайтда партия халқни етаклаган, йўлбошчилик қилган. Бу йил Ўзбекистонда пахта учун курашда ҳам жуда катта қийинчиликларга дуч келинаётган бўлса ҳам азимкор, жасоратли халқимиз партия раҳбарлигида юксак мажбуриятини шараф билан бажариш ниятида ёғин-сочинга қарамай тер тўкмоқда.

Бундан 24 йил муқаддам Қозоғистоннинг қўриқларидан 250 миллион пуд ғалла ҳосили олинган бўлса, эндиликда ҳар йили 1 миллиард пуд ғалла тайёрланмоқда. Мен раҳбаримиз ва мураббиймиз Леонид Ильич Брежневнинг эсдаликларини азамат, дили, тили пок, тинчликсевар совет халқининг мўъжизакор меҳнати ҳақида айтилган ажойиб қўшиқ деб биламан.

Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» эсдаликлари зўр китоб, буюк асар! У биз учун илҳомбахш манба, адабиётимиз ва санъатимизнинг парвозига янги пўлат қанот! Жонажон дўстларимиз, қаламкаш биродарларимизни, умуман, барча китобхонларни бу ажойиб асар, бу мўътабар «қўриқнома» билан дил-дилимдан қутлайман!

СУРАТДА: Қозоғистон ёзувчиларининг III съезди делегатлари: (чапдан-ўнгга) С. Муқонов, Г. Мустафин, М. Шолохов, Л. Леонов, М. Авезов, М. Турсунзода ва Комил Яшин.

БУГУН ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 367 МИНГ МЕҲНАТЧИСИ ПАРТИЯ, ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ ВА КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ СИСТЕМАСИДА МАШҒУЛОТЛАРНИ БОШЛАДИ

● КПСС XXV съезди қарорлари—ҳаётга ● Партиявий сўз ва шахсий намуна билан ● Беш йиллик планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлайлик

СОВЕТ ТУЗИЛДИ

«Узгипрозем» институтида иқтисодий таълим системасида янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрилди. Машғулотлар бошланмасдан олдин ўтган йилнинг якунлари таҳлил этилиб, янги вазифалар белгиланди. Пропагандистлар машғулотларининг ижодий планлари институт олдида турган вазифалар билан узвий боғлаб тузилмоқда.

Бу йил институтнинг барча ходимлари иқтисодий таълим оладилар. 23 мактаб ташкил этилди. Институт кутубхонасида «Пропагандистга ёрдам» стенди мунтазам ишлаб турибди.

Институт директори Л. М. Тўрахўжаева бошчилигида иқтисодий таълим совети тузилди.

ПРОПАГАНДИСТЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўрта Осиё темирйўли бошқармасининг 45 пропагандисти янги ўқув йилида «Ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишнинг илғор тажрибаси» курсини олиб боришади. Улар Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида тайёргарликдан ўтишди, ўз ишининг моҳир усталаридир. Улар орасида тепловоз депосининг экономисти Е. Кубан, 2-вагон депосининг технологи М. Олимбеков ва бошқалар бор. Бу пропагандистларнинг тингловчилари 360 дан зиёд инженер-техниклардир.

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Янги ўқув йилида республика Автотранспорт министрлигининг иқтисодий таълим бўйича совети машғулотларнинг юқори савияда ўтишини таъминлаш учун кўп ишлар қилмоқда. Бу совет томонидан иқтисодий ўқув программаси, иқтисодий ўқув ташкилотчилари ва мактабларнинг раҳбарлари учун семинарлар ўтказиш планлари ишлаб чиқилган.

Министрликда пропагандист кадрларга катта эътибор берилмоқда. Янги ўқув йилида совет кўмагида тармоқ корхоналарида 240 пропагандист тайёрланди. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ўқувни яхши йўлга қўйиш конкурси эълон қилинди.

Юксак активлик билан

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон пойтахтининг Киров районидаги етакчи корхоналардан бири. Корхона коллективи социалистик мажбуриятларини мувaффақиятли адо этяпти. Бунда партия ва комсомол сиёсий маорифи ҳамда иқтисодий таълим катта роль ўйнамоқда. Бу масала бирлашма партия комитети йиғилишида бир неча марта муҳокама қилинди.

1978—79 ўқув йилида «Ривожланган социализм Конституцияси» курси бўйича 13 бошланғич звено мактаби, марксизм-ленинизм асосларининг 4 мактаби ва «КПСС идеология ишларининг актуал масалалари» курси бўйича иккита назарий семинар ишлайди. Дастлабки 4 машғулот КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми материалларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисидаги»ги докладини ўрганишга бағишланади.

Партия ва комсомол сиёсий маорифи ҳамда иқтисодий таълим шахобчаларида 2 мингдан зиёд киши шуғулланади. Шундан 390 киши коммунистдир. Зарур адабиётлар, ўқув программалари, иш планлари тайёрланди. Бирлашмада 60 дан зиёд киши пропагандистлик қилмоқда. Улар сафи ғоят тажрибали, назарий жиҳатдан етук раҳбар ходим ва инженер-техник ходимлар — коммунистлар билан тўлиб бормоқда. 1978 йилда марксизм-ленинизм кечки университети пропагандистлик факультетини 31 киши битирди. Уларнинг кўпчилиги пропагандистлик иши олиб боради.

Ҳамма вақт бўлганидек, машғулотлар қизиқарли ўтмоқда. Тингловчилар активлик кўрсатишяпти. Айниқса В. С. Полонская, М. П. Кишков, С. Н. Ерохин, В. В. Рутто, О. Н. Адаева, В. К. Драчев ва бошқа пропагандистлар раҳбарлик қилаётган мактабларда машғулотлар ана шундай ўтмоқда.

Р. ЖУРАЕВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия кабинетининг мудири.

СУРАТДА: «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий таълим бўйича советининг раиси, бирлашма бош директорининг ўринбосари Виктор Иванович Шевченко совет йиғилишини ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ҒОЯВИЙ ЭЪТИҚОДИМИЗ, ПРОПАГАНДИСТЛИК МАҲОРАТИМИЗ,

Янги ўқув йилининг бошланиши шаҳар партия ташкилоти ҳаётида, машғулотларни бошлаб юборган Тошкентнинг юз минглаб меҳнатчилари ҳаётида муҳим воқеадир. Партия комитетлари, шаҳар пропагандистлари КПСС XXV съезди кўрсатмалари, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, сиёсий маориф ва кенг меҳнаткашлар оммасининг иқтисодий таълимини янада такомиллаштириш, ўқувнинг назарий савияси ва самарадорлигини ошириш юзасидан жуда катта тайёргарлик ишларини олиб боришди.

Бинобарин, янги ўқув йили ўқувни ташкил этишга, унинг мазмуни ва шаклларига янги, янада юқорироқ талаблар қўймоқда. Партиямиз назарияси ва сиёсатини ўрганишни амалиёт билан, меҳнат коллективларининг вазифалари билан узвий боғлашни таъминлаш учун ҳали кўп иш қилиш керак. «Коммунистик ғоявийлик, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И.Брежнев, — билимлар, эътиқодлар ва амалий ишлар мужассамидир». Сиёсий ўқув меҳнаткашларни партия теварагига янада жипслаштиришга, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга, КПСС XXV съезди қарорларини ва ўнинчи беш йиллик режаларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашишга даъват этилган.

Бу катта ва кўп қиррали ишда партия ташкилотларига, идеология активистларига съезд материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарлари, КПСС Марказий Комитетининг партия ва иқтисодий ўқув тўғрисидаги қарорлари, шу жумладан, КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда меҳнаткашлар иқтисодий таълимининг ролини кучайтириш юзасидан Бошқирдистон партия ташкилотлари иши тўғрисидаги қарори дастуриламал бўлади.

Янги ўқув йилига қандай тайёргарлик олиб борилгани, иш тажрибаси, келгусидаги режалар ва масалалар, истиқболлар тўғрисида бугун партия ва хўжалик раҳбарлари, методик советларнинг раислари, пропагандистлар, комсомол етакчилари, пойтахт идеология активистлари ҳикоя қилиб беришади.

Октябрь район партия комитетининг сиёсий маориф кабинети доимо гавжум бўлади. СУРАТДА: агитатор ва пропагандистлар ижтимоий-сиёсий янги китоблар билан танишишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

ОЛИМЛАР ЎҚИШМОҚДА

Б. ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми ҳузуридаги проблемалар советининг раҳбари

Сўнгги йилларда партия ўқувининг методологик (философик семинарлари каби формалари тобора кенг ёйилмоқда. Бундай семинарлар пойтахт аксарият илмий муассасалари ва олий ўқув юртларида ташкил этилган. Практика олимлар ва бошқа ижодий ходимларнинг марксча-ленинча дунёқарашни чуқур ўзлаштиришларига, философия ва махсус фанлар ўртасидаги алоқанинг мустаҳкамланишига уларнинг ёрдам бераётганлигини кўрсатиб турибди. Алоҳида фанларнинг ривожланиши оқибатда умумназарий аҳамият касб этувчи масалаларни илгари суриши ҳаммага аён. Бу масалалар диалектик-материалистик усул ёрдамидагина муваффақиятли ишлаб чиқилиши мумкин. Методологик семинарлар олдида вужудга келаётган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам шундан келиб чиқади. Масалан, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасаларида эркин мунозара формасида ёхуд докладлар формасида у ёки бу фан учун методологик (философик) аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокама этилади ва ишлаб чиқилди. Айтайлик инсоннинг биоижтимоий хусусияти тушунчасида материализм ва идеализм ўртасидаги кураш проблемаси ҳозирги замон генетикаси учун актуал ҳисобланади. Ёки бошқа мисол. Ҳозирги шароитда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш проблемаси биолог олимларни ҳам, экономист олимларни ҳам, медик олимларни ҳам бир хилда қизиқтиради. Шу хилдаги илмий проблемалар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қатор методологик семинарлари қатнашчиларининг диққат эътиборини ўзига жалб этди. Шуни айтиш керакки, соф философик проблемалар, илмий-тадқиқотлардаги назария ва практиканинг мутаносиблиги, фаннинг партиявийлиги каби проблемалар мавзу бўлган семинарлар ҳам бор.

Юқорида қайд қилинган методологик семинарларнинг ўзига хос белгилари уларнинг юқори звено партия ўқувининг формаси эканлигидан далолат бериб турибди. Илмий муассасаларда, олий ўқув юртларида, шунингдек лойиҳа-конструкторлик бюроларида семинарларга етакчи олимлар ва педагоглар жалб этилмоқда. Одатда ушбу семинарларга директорлар, уларнинг ўринбосарлари, муассасалар илмий кенгашларининг раислари раҳбарлик қилишади. Илмий муассасаларнинг партия комитетлари (бюр лари) семинарлар ишининг бевосита ташкилотчиларидир.

Жумладан, методологик семинарларда шуғулланувчи ўртоқларга ёрдам тариқасида яқинда сиёсий адабиётлар нашриёти томонидан «Алоҳида фанлар бўйича методологик семинарларнинг тахминий тематикаси ва планлари» ва «Ижтимоий фанлар бўйича методологик семинарларнинг тахминий тематикаси ва планлари» китоблари нашр этилди.

СЪЕЗДНИНГ ҒОЯЛАРИНИ ҲАР БИР КОММУНИСТГА, ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИГА ЕТКАЗИШ ФАҚАТ ПРОПАГАНДИСТЛАР, ЛЕКТОРЛАР, ДОКЛАДЧИЛАРНИНГГИНА ЭМАС, ШУ БИЛАН БИРГА БАРЧА ПАРТИЯ АКТИВЛАРИМИЗНИНГ ҲАМ ФАХРЛИ БУРЧИДИР. БУ ИШНИ ҲАММА БИЛИМЛАРИМИЗНИ, БУТУН ИШОНТИРИШ МАҲОРАТИМИЗНИ, БУТУН ҚАЛБИМИЗ КУЧИНИ САРФЛАБ ОЛИБ БОРИШИМИЗ КЕРАК. МАНА ШУЛАРНИНГ ҲАММАСИ СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИНИ ОҒИШМАЙ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИДАН БИРИДИР.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Комплекс ёндошиш асосида

А. ЭШОНХЎЖАЕВ,

Киров район партия комитетининг секретари.

Сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим 1978—80 йилларда район меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш комплекс планида асосий ўрин тутади.

Коммунистлар ва партиясизларнинг марксча-ленинча таълимини янада такомиллаштириш юзасидан ишларда район партия комитети ўқишнинг ғоявий-назарий савиясини оширишга, унинг кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга, ўнинчи беш йилликнинг амалий вазифаларини ҳал қилиш билан узвий боғлашга ёрдам бермоқда.

Шу нуқтаи назардан «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрқин мисол бўла олади. Бу ерда фақат 1977 йилнинг ўзидагина пропагандистлар ёрдамида 785 муқобил план ишлаб чиқилди. Мингдан зиёд шахсий социалистик мажбуриятлар, 658 та тежамкорлик шахсий ҳисоблари ишлаб чиқилди. Бирлашманинг ҳар бир ходими меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хом ашёни тежаш ҳаракатида қатнашмоқда.

Зотан, марксча-ленинча таълимнинг таъсирчанлигини қанчалик бевосита намоён бўлаётгани кўриниб турибди. У ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолияти турли формаларида ёрқин намоён бўлмоқда. Агар бу ўқиш ижодий суръатда ташкил этилган бўлса, кишиларнинг ғоявий ўсишига кўмаклашади, уларнинг активлигини оширади.

Назария ва амалиётнинг бирлиги, шунингдек, иқтисодий таълим системасида ҳам ёрқин кўриняпти. Бу таълимга районнинг 28 мингдан зиёд меҳнатчиси жалб этилган. У социалистик хўжалик юритишнинг практикасини янада яхшилашнинг муҳим омилларидан бирига айланди. Фақат 1977 йилнинг ўзидагина 617 та махсус машғулот ўтказилиб, бу муайян даражада тингловчиларнинг 535 та шахсий муқобил план, 265 та шахсий тежамкорлик ҳисоби, мингта оширилган социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишларига ёрдам берди. Амалий топшириқлар ва рефератлар ёзиш жараёнида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратилган 200 дан зиёд таклифлар киритилди.

Марксча-ленинча таълимнинг муваффақияти, унинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги, энг аввало, пропагандистга боғлиқ. Сўнгги йилларда район пропагандистларининг сифат состави тубдан ўзгарди. Уларнинг 81,6 проценти КПСС аъзосидир. 97 проценти олий ва тугалланмаган олий маълумотга эга.

Район партия комитетининг пропагандист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш плани муваффақиятли амалга ошириляпти. Бу йилги ўқув йилида марксизм-ленинизм университетига 250 киши юборилди. Пропагандистлар, аввало, марксча-ленинча назарияни чуқур эгаллаган, билим доираси кенг кишилардир. Ана шундай пропагандистлар ўз тингловчиларига ўрганилаётган материални чуқур ўзлаштиришга, олинган билимлардан эса амалда оқилона фойдаланишга ўргатадилар.

«Ўртоқ» кондитер фабрикаси қандолатчилик цехининг пропагандистлари иш тажрибаси диққатга сазовордир. Бу ерда 70 ёш ишчи коммунистик меҳнат мактабларида, 40 киши иқтисодий таълим мактабларида, 25 киши комсомол сиёсий маорифи тўгаракларида таълим олишмоқда. Машғулотларни тажрибали мутахассислар олиб боришмоқда. Улар орасида смена бошлиғи Л. Қаландаров, цех бошлиғи К. Муҳаммаджонов, техник-лаборант Л. Шиль изчил иш олиб бораётганлари учун яхши самарага эришишяпти. Цех кейинги икки йил ичида социалистик мусобақада етакчилик қилмоқда. Унинг коллективи фабрикада биринчи бўлиб «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Районда пропагандистларнинг 46 проценти шахсий ижодий планлар асосида иш олиб боришмоқда. Уларда ишлаб чиқариш топшириқлари, пропагандистларнинг вазифалари, агитация-оммавий иш вазифалари комплекс ҳисобга олинмоқда.

Тажриба шуни кўрсатяптики, мактаб, семинарни ташкил этишда кишиларнинг умумий маълумоти ва сиёсий тайёргарлиги, қобилияти, имконият ва истаклари тўла ҳисобга олинса, ўқиш самарали бўлади. Шунинг учун район партия комитети Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг физика-техника институти, Енгил саноат министрлиги, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотлари иш тажрибаларини кенг ёймоқда. Ўқиш бошланмасдан анча илгари партия бюросининг секретарлари, аъзолари, коммунистлар ва партиясиз активистлар билан учрашиб, улар билан суҳбатлашдилар. Шу билан бирга таълимга комплекс ёндошиш таъминланмоқда, бутун ўқув йили давомида пропагандист ва тингловчилар янада мазмунли иш олиб боришлари учун пухта омил яратилмоқда.

Ҳам раҳбар, ҳам пропагандист

В. МУШКАРЕВ,

электрон-техника заводи директори

Инженерлар ва раҳбарлар Ц. А. Свинцова, О. В. Южний, С. О. Гавриленко, В. А. Богуславский, Ш. Шоюсупов, А. С. Репин, М. М. Фригин ва бошқалар мана кўп йилларки, ишлаб чиқаришдаги фаолиятларини пропагандистлик билан қўшиб олиб боряпти.

Инғув цехининг бошлиғи Р. Е. Эпштейн ишлаб чиқариш ташкилотчиси вазифасини коллективнинг тарбиячиси вазифаси билан қўшиб олиб боришнинг ажойиб намунасини кўрсатяпти. Унинг коллективи социалистик мусобақада тез-тез совринли ўринни эгаллайди, бир маромда ишлайди, ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини тинмай ошириб боради. Бу ерда қарийб барча ишчилар ва инженер-техник ходимлар шахсий ва ижодий планларга эга, цех қолоқларсиз ишлайди, 93 ишчи беш йилликнинг уч йили планини 1 октябрга қадар бажарди.

Бу цехда мана кўп йиллардирки, тўртта экономика мактаби, учта комсомол тўгараги, коммунистик меҳнат мактаби муваффақиятли ишлаб турибди. Цехда ўз бўлинмасида ғоявий-сиёсий иш олиб бормаётган биронта ҳам раҳбар йўқ.

Яна бир мисол. Валентин Михайлович Несвит 28 йилдан бери асбобсозлик цехига бошчилик қиляпти. 15 йилдан бери эса у пропагандистдир. У раҳбарлик қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабларида 22 коммунист тингловчи бор. Бу коллективнинг асосий ўзагидир. Валентин Михайлович раҳбарлик қилаётган асбобсозлик цехи оғир ишлаб чиқариш участкаси саналади. У ерда муаммолар кўп. Бу муаммолар фақат партия мажлисларидагина эмас, марксизм-ленинизм асослари мактабларидаги машғулотларда ҳам мавзу бўлади.

Катта ёки кичик коллективга раҳбарлик қилиш ва пропагандистлик ишини амалга ошириш осон эмас. Лекин бу ишдан четда туриш ҳам мумкин эмас.

Партия комитети, дирекция, жамоат ташкилотлари раҳбарларни, инженерлар ва техникларни пропагандистлик ишига, коллектив аъзоларини тарбиялашга жалб этишга қаратилган тадбирларнинг кенг доирасини белгиладилар.

Марксизм-ленинизм университетининг заводдаги филиалини 365 киши битирди. Улар асосан цехлар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, етакчи мутахассислар, инженер-техник ходимлар, ишлаб чиқариш командирларидир. Шулардан эндиликда 200 га яқин киши марксча-ленинча таълим, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим системасининг пропагандистларидир, 110 киши завод «Билим» жамияти группаси лекторлари, 254 сиёсий ахборотчининг 80 проценти инженер-техник ходимларидир.

Амалиёт билан бирликда

М. ЛОПАТНИКОВ,

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пропагандисти

Бирлашмамиз партия комитети, иқтисодий таълим бўйича совет ўрганилаётган курсларни меҳнат коллективлари олдидаги вазифалар билан мустаҳкам боғлаб олиб боришга катта аҳамият бермоқда. Намунали программаларга мувофиқ ҳар бир курс бўйича ўқув плани ва барча мавзулар бўйича тингловчиларнинг иш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда уларга тавсия этиладиган амалий машғулотлар рўйхатлари ишлаб чиқилади.

Масалан, иқтисодий таълимнинг барча мактабларида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг ташаббусларини ўрганиш тавсия этилган. Фрезерчи А. Девятованинг «Ўнинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини иш сифатига ишчи кафолати билан икки баравар ошириш» ташаббуси, разметкачи-инженер, СССР Олий Советининг депутати Т. Ляшконинг «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига инженерлик гарантияси» ташаббуси, слесарь Н. Манноповнинг «Бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш», «Қолоқларсиз ишлайлик» ташаббуслари, слесарь П. Шевченконинг «Йиллик планни муддатидан илгари бажариш», «Маҳсулотни завод Сифат белгиси билан тайёрлаш» бўйича ташаббуслари шулар жумласидандир.

Ҳар йили пропагандистлар учун информацион конференциялар ташкил этилиб уларда шаҳарнинг Ҳамза районининг, бирлашманинг партия ва хўжалик раҳбарлари сўзга чиқадилар. Бундай конференцияларнинг материаллари умумлаштирилган ҳолда «Ударник» газетасида ва варақа-плакатларида босиб чиқарилмоқда.

Пропагандист ва тингловчиларни тўла хабардор қилиб бориш учун бирлашма коллективи ишларининг якунлари ва уларнинг олдида турган вазифалар варақа-плакат ҳолида мунтазам равишда (ҳар кварталда бир мартадан кам бўлмаган миқдорда) чиқарилади. Мамлакат, республика, шаҳримиз ва коллективимиз ҳаётининг актуал масалалари бўйича ҳам варақа-плакатлар чиқарилмоқда.

Масалан, «Ўнинчи беш йиллик топшириғини бажариш бутун халқ иши, ҳар бир совет кишисининг ватанпарварлик бурчи» мавзусини ўрганишда пропагандист ва тингловчиларга ёрдам сифатида мамлакат халқ хўжалигини тараққий эттириш, республика, район ва корхонамизнинг статистик маълумотлари асосида «Ҳаракатимизнинг жанговар программаси» ишлаб чиқилди.

«Сифат ва самарадорликни оширишнинг илғор тажрибаси» курсини ўрганувчи пропагандист ва тингловчиларга, шунингдек иқтисодий таълим системасини ўрганувчи бошқа курслар тингловчиларига ёрдам сифатида варақа-плакатлар чиқарилмоқда. Уларда илғор меҳнат коллективлари, новаторлар, ватанпарварлик ташаббусларини бошловчилар, «Ўз касбининг устаси» номини олиш учун ўтказилган конкурсларнинг ғолиблари, мураббийлар, ишчи сулолаларининг илғор ишлаб чиқариш тажрибалари пропаганда қилинган.

Доимий ўтказиб туриладиган семинар машғулотларида пропагандистларга ҳар бир мавзу бўйича «Ударник» газетасида босилаётган маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш тавсия этиляпти. Масалан, «Техника ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш» мавзусини ўрганишда ўқув курси материалларига қўшимча равишда «Известия» газетасида босилган «Ёнилғи ва энергияни тежайлик» мақоласи, шунингдек «Ударник» газетасида босилган бирлашма бош энергетиги Р. Каримовнинг мақоласидан машғулотларда фойдаланиш тавсия этилди.

Завод халқ контроли комитети материаллари, «Ҳаракатимизнинг жанговар программаси ва 1978 йил учун бирлашманинг социалистик мажбуриятлари» асосида ишлаб чиқилган материаллар ҳам пропагандист ва тингловчилар учун бой қўлланма бўлди.

«Сифатни комплекс бошқариш бўйича илғор тажриба» курсини ўтаган бирлашма раҳбар ходимларининг ўтган йилги ўқув йилига якун чиқариш тингловчиларнинг рефератлар ҳимояси формасида ўтказилди. Иқтисодий таълим бўйича Совет томонидан бу рефератларни баҳолаш ташкил этилди. Уларнинг энг яхшилари «Ударник» газетасида ва пропагандист, тингловчилар учун қўлланма сифатида варақа-плакат ҳолида нашр этилди.

✦ ПРОПАГАНДИСТ ВА ТИНГЛОВЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА ✦ ЯНГИ ФАНЛАР, ЯНГИ ПРОГРАММАЛАР ✦ СССР КОНСТИТУЦИЯСИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ✦ ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИБ, МЕТОДИК МАҲОРАТНИ ОШИРАЙЛИК ✦ ШАХСИЙ ИЖОДИЙ ПЛАН АСОСИДА



Пропагандист Ориф Юсупович Маҳмудов мана беш йилдан бери Тошкент асбобсозлик заводида иқтисодий таълимнинг ўрта звено мактабида машғулотларни олиб боради. У завод директорининг ўринбосари бўлиш билан бирга ўзининг бой билимларини сидқидилдан тингловчилар билан ўртоқлашиб келмоқда. Ориф Юсупович ҳар бир машғулотни коллектив олдида турган конкрет вазифалар билан, тингловчиларни қизиқтираётган масалалар билан боғлаб олиб боришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам машғулотлар юксак активлик вазиятида ўтади.

СУРАТДА: О. Ю. Маҳмудов машғулотга тайёргарлик кўрмоқда.

Бригада пудратини ўрганяпмиз

В. КОЛЕСНИКОВ,

«Главташкентстрой» бошлиғининг биринчи ўринбосари, методика советининг раиси

Мамлакатимиздаги қурилишларнинг улкан миқёси тез, тежамли ва замонавий техника асосида қуриш учун ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг самарали формаларини излашни тақозо этмоқда. Қурилишни яхшилашнинг ташкилий-иқтисодий омиллари қаторида бригада пудрати алоҳида ўрин эгаллайди.

Бригада пудрати усули йил сайин кенг ёйилмоқда. «Главташкентстрой» ҳам бундан истисно эмас. Бизда бригада хўжалик ҳисоби усули билан бажариладиган ишлар 30 процентга етказилган. Бунинг учун катта тайёргарлик ишлари олиб борилди: семинарлар, кенгашлар ўтказилди, меҳнат коллективларида тушунтириш ишлари олиб борилди. «Оргтехстрой» трести томонидан методик қўлланмалар, брошюралар ва тавсиялар чиқарилди. «Главташкентстрой»нинг ўқув комбинати ҳузурида инженер-техник ходимлар, бригадирлар ва турли касбдаги ишчиларнинг малакасини ошириш курслари ташкил этилган. Ташкилотларга методик ва амалий ёрдам кўрсатиш учун «Оргтехстрой» трести ҳузурида хўжалик ҳисобига ўтказилган бригадаларнинг иш тажрибаларини таҳлил этиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш бўйича махсус группа ташкил этилган.

Иқтисодий таълим ҳам катта роль ўйнади. Жумладан, «Главташкентстрой» ходимларининг 70 процентга яқини иқтисодий таълим системасининг турли звеноларида шуғулланишмоқда. 6 ва «Жилстрой» трестлари, 1 ва 2-уйсозлик комбинатларидаги иқтисодий таълимнинг мактаб ва семинарларида бригада пудратини кенг ёйиш яхши йўлга қўйилган. Бу ташкилотларда 1978 йили хўжалик ҳисобидаги бригадалар томонидан бажарилган ишларнинг ҳажми ўз кучлари билан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ялпи ҳажмининг 50 процентига тенглашиб қолади.

Бригада пудратини қурилишда кенг жорий этишнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида бошқарма ўз ходимларини иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларига юбориб турибди.

1977 йили бошқармада Тошкент қурувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. А. Злобин билан учрашуви бўлди. Бу учрашувда донгдор қурувчи ўз тажрибалари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Бошқарма аппарати раҳбар ходимлари, трест ва тармоқ бошқармаларининг раҳбарлари учун иқтисодий таълимнинг тематик планида 1979 ўқув йилида «Қурилишда бригада пудратини ривожлантиришнинг практикаси ва истиқболи» ҳамда «Бригада пудратининг мазмуни ва уни жорий этиш механизмлари» мавзуларини ўрганиш кўзда тутилган.

Факт ва рақамлар

Республика пойтахтининг 160 мингдан зиёд меҳнатчиси янги ўқув йилида марксча-ленинча таълим системасининг тингловчилари бўлишди. Шаҳарда 1019 бошланғич сиёсий мактаб, 2076 марксизм-ленинизм асослари мактаблари, 1845 назарий ва 69 методологик семинар ташкил этилди.

* * *

13 мингдан зиёд идеология активистлари ўқув жараёнига раҳбарлик қилдилар. Булар— партия, совет, комсомол ходимлари, хўжалик раҳбарлари, халқ хўжалиги мутахассислари, олимлар. Пропагандистларнинг кўпчилиги олий маълумотга эга, шаҳар марксизм-ленинизм университетини битиришган коммунистлардир. Уларнинг орасида 430 фан доктори ва кандидатлари бор.

* * *

Партия комитетлари комсомол сиёсий маорифини яхшилаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилмоқдалар. Бунга Тошкентнинг 29 минг йигит ва қизлари жалб этилган. Комсомол тўгараклари ва семинарлари раҳбарлари коммунистлар ҳисобига мустаҳкамланди. Улар ҳозир бу составнинг 80 процентдан зиёдроғини ташкил этадилар. Ўтган ўқув йилида барча комсомол ташкилотларида «Мен Совет Иттифоқи гражданиман» мавзусида ленинча дарслар ўтказилди. Буларда 2 мингдан зиёд партия, совет ва хўжалик ходимлари, 5 мингдан зиёд партия меҳнат ва уруш ветеранлари қатнашдилар.

* * *

Оммавий иқтисодий таълим янада ривожланди. Ўтган ўқув йилида 179 минг ишчи, хизматчи, халқ хўжалиги мутахассислари, раҳбар ходимлар иқтисодий билимларини оширдилар. Янги ўқув йилида 184 мингга яқин киши иқтисодий таълим олади. Партия, иқтисодий, комсомол ўқувида 367 минг тошкентлик шуғулланади.

60 минг инженер-техник ходим беш йиллик бошидан буён иқтисодий билимларини бойитдилар. Шулардан 10 мингдан зиёди СССР Олий Совети депутати, Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси инженери Т. К. Ляшконинг «Сифат беш йиллигига — инженерлик кафолати» ташаббусини қўллаб-қувватлашди ва шу корхонанинг пропагандисти В. А. Кононовнинг ихтирочилик ва рационализаторликда ишчиларга шахсий ижодий планлар ишлаб чиқиш юзасидан ёрдам бериш ташаббуси ҳам қўллаб-қувватланди.

МЕҲНАТ ШИЖОАТИМИЗ—ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА!

Сифатни бошқариш

Х. АЛИМОВА,
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрининг ўринбосари, методика советининг раиси.

«Маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг илғор тажрибаси» курси бўйича иқтисодий ўқув ташкил этиш ҳақида гапириб беришни истайман. Ўтган ўқув йилида енгил саноат министрлиги системасида бу курсни 453 киши ўрганди. Бунда инженер-техник ходимлар олган билим хом ашё, материаллар, ускуналардан, иш вақтидан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Жумладан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкентдаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида 105 инженер-техник ходим ва хизматчи йиллик истиқболли ижодий планлар қабул қилишди. 1977 йилда 90 тингловчи социалистик мусобақа ғолиби бўлди. 45 ходим 60 рационализаторлик таклифи киритди. Унинг йиллик иқтисодий самараси 150 минг сўмни ташкил этди.

Агар 1975 йилда Сифат белгиси бўлган буюмларнинг салмоғи маҳсулотнинг умумий ҳажмида 1 процентни ташкил этган бўлса, шу йилнинг бошидан 17,8 процентга ўсди. Бунда сўзсиз кадрларнинг иқтисодий ўқуви ва маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш қўл келди.

Тошкентдаги тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам иқтисодий таълимни яхшилаш бўйича катта ишлар қилиняпти. «Маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг илғор тажрибаси» курсини ўрганиш учун жами 50 кишиси бўлган икки группа ташкил этилди. Курсни ўрганиш пайтида тингловчилар орттирган билим яхши натижалар беряпти. 1977 йилда фахрли беш қиррали белгиси бўлган маҳсулотларнинг салмоғи 27,7 процент, 1978 йилнинг 10 ойи мобайнида эса 37 процентни ташкил этди.

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида курсни ўрганиш учун жами 48 кишидан иборат бўлган икки группа ташкил этилди. Пропагандистларга ёрдам тариқасида маҳсулот сифатини яхшилаш тажрибаси тўғрисида варақалар чоп этилди. Ой сайин техника-иқтисодий кўрсаткичларни бажариш бўйича варақалар чиқарилади. Варақалар барча пропагандистларга тарқатилади.

Агар 1977 йилда Сифат белгиси билан 30,4 процент маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 40 процентдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулотни биринчи тақдимда топшириш 98,6 процентни, реализация планининг бажарилиши 103,6 процентни, меҳнат унумдорлиги топшириғи эса 103 процентни ташкил этди.

Тошкентдаги пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида «Маҳсулот сифатини комплекс бошқариш илғор тажрибаси» курсини ўрганиш коллективнинг муҳим вазифалари билан мустаҳкам боғланган. Масалан, группа раҳбари Р. Абзалов темаларни ўрганаётганда ишлаб чиқариш фаолиятидаги фактлардан маҳорат билан фойдаланади.

Ўн йиллик охирида биз Сифат белгиси бўлган маҳсулот салмоғини 20 процентга етказишимиз керак. Иқтисодий ўқувни янада такомиллаштириш ва унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишдаги таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги коллегияси ва тўқимачилик ҳамда енгил саноат ходимлари касаба союзи республика Комитети корхоналар ва ташкилотлар ўртасида иқтисодий таълимни яхши йўлга қўйганлик бўйича конкурс шартларини тасдиқлашди.

Ғоявий чиниқиш университети

Л. ТИХОНОВА,
Шаҳар марксизм-ленинизм университетининг директори

Тошкент шаҳар партия комитети марксизм-ленинизм университетида 5 мингга яқин киши янги ўқув йилини бошлайдилар. Уларнинг ярмидан кўпи — идеология кадрлари факультетининг тингловчилари — бўлажак пропагандистлар, сиёсий ахборотчи, лекторлардир. Уларнинг кўпчилиги саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари инженер-техник ходимлари, илмий-тадқикот институтлари ходимлари, шаҳар олий ўқув юртлари ва мактабларининг ўқитувчиларидир. Партиянинг бўлажак идеология жангчилари марксизм-ленинизм назариясини қунт билан эгалламоқдалар. Уни коллективнинг амалий ишлари билан узвий боғламоқдалар.

Аввалги йиллардагидек раҳбар кадрлар ўқиши диққат марказида турибди. Барча бўлимларнинг биринчи курсларига бу йил барча категориядаги мингдан зиёд раҳбар ходимлар қабул қилинди. Бутун университетда эса 2,5 мингдан зиёд раҳбарлар ўзларининг ғоявий-назарий савияларини оширмоқдалар.

Олий малакага эга бўлган кишилар билан ишлашда катта тажриба тўплаган тингловчиларнинг бундай состави университетнинг профессор-ўқитувчилари олдига ўқув жараёнини такомиллаштириш юзасидан янги талаблар қўймоқда. Бу энг аввало, машғулотларнинг актуал формаларидан бири бўлган тингловчиларга проблем таълим бериш методини такомиллаштиришга тааллуқлидир. Профессорлар К. Попадюк, А. Ўлмасов, А. Йўлдошев, фан кандидатлари Ф. Прудников, Т. Мазитова, А. Кудинов, Ш. Йўлдошев, Р. Досумов, М. Перпер ва кўплаб бошқалар ана шундай таълимни муваффақиятли амалга оширишди.

Университетнинг 150 ўқитувчисидан 15 киши профессор, 85 — фан кандидати, 12 киши эса партия ходимидир. Ўқув жараёнига Тошкент олий партия мактабининг энг яхши ўқитувчилари мислсиз ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар марксизм-ленинизм назариясига чуқур қизиқиш уйғота олишлари, тингловчиларни назария билан сиёсатни узвий боғлашга ўргатишлари билан алоҳида ажралиб турадилар.

Бу ишларда эса ўқитувчиларга ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан», «Кичик ер», «Тикланиш», «Қўриқ», «КПСС идеология ишларининг актуал масалалари» асарлари катта амалий ёрдам бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими тўғрисида»ги қарори қабул қилингандан сўнг ўтган даврда университетни тўққиз мингдан зиёд коммунист ва партиясиз активистлар битириб чиқишди.

Шаҳар партия ташкилоти жами пропагандистларнинг салкам 70 проценти университетни битириб чиқишган. Улар орасида «Миконд» заводи директори У. Умаров, трактор заводи цех бошлиғи В. Будилин, 1-автокомбинат директори Г. Исмоилов, 233-мактаб директори А. Тапилевская ва кўплаб бошқалар бор.

Янги ўқув йилида партия ўқувининг барча шахобчаларида янги фанлар ўрганилади. Улар орасида жамият тўғрисидаги таълимот, марксча-ленинча этика, КПСС аграр сиёсатининг масалалари ва бошқа фанлар бор. Университет зиммасига бу ишлар учун пропагандист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифаси юклатилган. Университет Совети, кафедраларнинг ўқитувчилари бу вазифанинг муҳимлигини тушуниб, шу йилдан бошлаб уни амалга оширишга киришдилар. Совет турмуш тарзини, унинг маънавий ва ахлоқий нормаларини, КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми томонидан ишлаб чиқилган партиянинг аграр назарияси ва сиёсатини эркин ва ишончли пропаганда қилишга лаёқатли бўлган 400 га яқин пропагандистга таълим бериш ва уларни тайёрлашга киришилди.

Аввалгидек, коммунистлар, комсомоллар, партиясиз активларнинг марксизм-ленинизм асосий қоидаларини, КПССнинг тарихий тажрибасини, партия ва совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, коммунистик бунёдкорлик ва жаҳон ижтимоий тараққиётининг КПСС XXV съезди қарорларида, партиянинг бошқа ҳужжатларида, СССР янги Конституциясида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларида илгари сурилган энг муҳим проблемалари бўйича сиёсий хулосаларни чуқур ўрганиш энг асосий вазифа ҳисобланади.

ОЛИНГАН БИЛИМЛАРНИ КИШИЛАРНИНГ АКТИВ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯСИГА, ЖАМИЯТИМИЗ РИВОЖИНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМАГА АЙЛАНТИРИШГА ЭРИШИЛСИН.

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съезди қарорлари асосида партия ўқувининг вазифалари тўғрисида» қароридан).

Пойтахт пропагандистларини ўқув қўлланмалари ва материаллар билан таъминлашда Пушкин кўчасидаги ихтисослашган «Пропагандист» китоб магазини катта роль ўйнамоқда. Пойтахт идеология активистлари учун бу ерда кўплаб сиёсий, иқтисодий ва бошқа зарур адабиётлар мавжуд.

СУРАТДА: сотувчи Л. Алиева ёш пропагандистларга ва тингловчиларга янги адабиётларни тавсия этмоқда.

Б. Синягин фотоси.

Факт ва рақамлар

Сиёсий маориф кабинетлари пропагандист кадрларни тайёрлаш ва ўқитишда уларга методик ёрдам беришда катта роль ўйнамоқда. Шаҳарда ҳозир 25 та штатли ва 38 та жамоат асосида ишлайдиган сиёсий маориф кабинетлари ишлаб турибди. «Ривожланган социализм Конституцияси» курси бўйича пропагандистлар ва назарий семинарларнинг раҳбарлари Тошкент область партия комитети Сиёсий маориф уйида шуғулланмоқдалар.

* * *

Олинган сиёсий билимларни ўз меҳнат коллективлари фаолиятида конкрет амалга оширмоқдалар. 55 минг тошкентлик, 52 корхона, 308 цех, юздан зиёд участка коллективи хом ашё ва иш вақтини тежаш асосида қўшимча резервлардан фойдаланиш ҳисобига СССР Конституцияси бир йиллигига уч йиллик топшириқни бажардилар. 196 корхона, 1015 цех, 1560 участка, 5472 бригада, умуман эса 120 мингдан зиёд шаҳарлик «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат қилмоқда.

Янги ўқув йилида шаҳар меҳнаткашлари СССР янги Конституциясини оммавий ўрганишга киришдилар. «Ривожланган социализм Конституцияси» курси 958 бошланғич сиёсий мактаб, 1915 марксизм-ленинизм асослари мактабларида ўрганилади. 679 назарий семинар тингловчилари «СССР Конституцияси. Назария ва амалиёт проблемалари» курсини ўрганишга киришдилар. Умуман олганда Совет Давлати Асосий Қонунини 93,5 мингга яқин киши ўрганади.

* * *

Шаҳарнинг 4 мингдан зиёд пропагандисти «Пропагандист — беш йилликка» ватанпарварлик ҳаракатига қўшилган. Масалан, Собир Раҳимов районида ана шу шиор остида пропагандистларнинг 65 проценти иш олиб бормоқда. Уларнинг ёрдамида тингловчилар 20 дан зиёд меҳнат унумдорлигини ошириш комплекс бригада планларини ишлаб чиқдилар ва амалга оширдилар. Киров районининг шахсий ижодий план асосида иш олиб бораётган пропагандистлари тингловчиларига 300 дан зиёд муқобил план ишлаб чиқиш, 325 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара берадиган рационализаторлик таклифлари киритишга ёрдам бердилар.

* * *

Шаҳар марксизм-ленинизм университети пропагандист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг асосий базаси ҳисобланади. Беш йиллик бошидан бери унда 2664 пропагандист тайёрланди. Янги ўқув йилида 4600 киши университет тингловчилари бўлишди. Уларнинг кўплари ўз меҳнат коллективларида пропагандистлардир. Ўнинчи беш йиллик охиригача университет яна 4 минг идеология фронти жангчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашни мўлжалламоқда.

* * *

Шаҳарнинг 550 дан зиёд ишчиси, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар. Улар орасида электрон-техника заводи созловчиси А. Муҳамедов, тўқимачилик комбинати тўқувчиси Н. Ершова, «Малика» трикотаж бирлашмаси ишчиси Ш. Холмуҳамедова, «Ташметрострой» тресли проходкачилар бригадири И. Лисий, «Таштекстильмаш» заводи созловчиси И. Қоратоев ва кўплаб бошқалар бор. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг деярли барчаси иқтисодий таълим системаси тингловчиларидир, кўплари эса илғор тажрибалар мактабини бошқаришяпти.

Пропагандист кадрларга эътибор

И. ГОНТМАХЕР,
ТошПИ доценти, партия ўқуви бўйича методика советининг раиси.

А. Р. Беруний номидаги Тошкент политехника институти партия комитети партия ўқувини янада такомиллаштириш учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Факультетлардаги методика советлари ва партия бюролари, пропагандист кадрларни танлаш ва жойлаштиришда қуйидагиларга амал қилмоқдалар. Биринчидан, ҳар бир факультет ёки бўлинмага техника фанлари ўқитувчилари билан бирга ижтимоий фанларнинг ўқитувчилари ҳам жўнатилмоқда. Пропагандистларнинг бундай уйғунлаштириш партия ўқуви самарадорлигини ошириш ва ўзаро тажриба билан бойиш имконини бермоқда. Иккинчидан, пропаганда ишларига маълум кўникмага ва тажрибага эга бўлган, дарсларни юксак назарий даражада, жонли ва қизиқарли ўтадиган коммунистлар тавсия этилмоқда. Учинчидан, пропагандистларни олдиндан тайёрлаб қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам партия комитети ҳар йили 25—30 ўқитувчини шаҳар марксизм-ленинизм университетига ўқишга юбормоқда.

Институтда 5 профессор, 56 доцент, фан кандидати, 28 ката ўқитувчи пропаганда ишларига жалб қилинган. Уларга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида партия комитетида бир неча йилдан буён методика совети ишлаб турибди. Бу йил ҳам аввалги йилларга ўхшаб, партия ўқуви методикаси ҳақида докладлар ўқиш билан бирга, тажриба алмашиш, ўзаро дарсларни текшириш ва коллективдаги етук олимлар томонидан лекция ўқиш планлаштириб қўйилди.

Назарий семинар раҳбарлари бутун ўқув йили давомида машғулотларни тингловчиларнинг ғоявий-назарий савиясини ўстириш билан бирга, ўрганган билимларини амалда қўллашларига шароит яратадиган даражада ташкил қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, аниқ экономика кафедрасида ўтказилган назарий семинар машғулотларида «Қурилишда иқтисодий фанларнинг актуал проблемалари», «Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш масалалари» деган темаларда докладлар тингланди. Энергетика факультетида «Гидроэнергетика ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан асослаш масалалари» деган темада доклад тингланди.

Механика факультетида программа материалларини ўрганиш билан бирга «Илмий-техника революцияси ва уни ишлаб чиқаришнинг техник даражасини юксалтиришдаги роли». «Хўжалик юритишнинг интенсив методлари — СССР халқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришнинг асосий шартидир» деган мавзуларида докладлар тингланди. Нефть ва газ факультетида «Нефть саноатида иқтисод ва тежамкорлик» деган мавзуда илмий-амалий конференция ўтказилди.

Ижтимоий фанлар кафедрасининг ўқитувчилари бу ишга айниқса самарали ҳисса қўшмоқдалар. Институтда партия ўқуви олий звеносида 54 ўқитувчи пропагандистлик қилмоқда. 17 ўқитувчи райондаги меҳнат коллективларида ўтказилаётган машғулотларга раҳбарлик қилмоқда. 12 ўқитувчи кечки марксизм-ленинизм университетида лекция ўқияпти. Ижтимоий фанлар кафедраси мудирлари ва партия бюросининг секретарлари пропагандистларни танлаш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиб боришда катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бу ўқув йилида партия ўқуви форма ва методларини янада такомиллаштириш, пропагандист кадрлар билан ишлашни янада яхшилаш вазифаси турибди.

ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА

Х. ШАГИЕВ,
Трактор заводи партия комитетининг секретари.

Трактор заводи пропагандистлари овозни ёзиб олиш, диопроектор, фильмоскоп, кинолавҳа каби техник воситалардан фойдаланиш орқали ўқитиш методикасини такомиллаштирмоқдалар. Бу соҳада сиёсий маориф кабинети пропагандистларга катта ёрдам беряпти. Бу ерда техника воситалар ва кўргазмали қуроллардан фойдаланишни ташкил этиш бўйича ташаббускор группалар тузилди. М. И. Будилин, А. Ф. Белоусов, Н. Х. Мусин каби пропагандистлар, А. К. Тафонов, В. А. Гальцев каби безакчи-рассомлар, инженер Т. Рябоконлар ана шундай ташаббускорлардан ҳисобланишади. Улар завод пропагандистлари тажрибасини умумлаштирадилар, турли мавзулардаги машғулотлар учун бой иллюстратив материаллар тайёрлайдилар. Бу группа томонидан СССР Конституциясининг моддалари асосида «Меҳнат қилиш ҳуқуқи», «Илм олиш ҳуқуқи», «Соғлиқни сақлаш ҳуқуқи» ва бошқалар бўйича таблицалар, кейинчалик бу таблицалар асосида фотосуратлар тайёрланди. Сиёсий маориф кабинети томонидан «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» материаллари асосида тайёрланган таблицалар ҳам пропагандистлар томонидан кенг фойдаланилмоқда. Бундай таблицалар халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича тайёрланди.

Пропагандистлар машғулотларга тайёрланаётиб сиёсий маориф кабинетига мурожаат қиладилар. Улар бу ерда ахборотларни, турли материалларни танлашда консультация ва ёрдам олишади. Бу ерда заводнинг ҳар бир ойдаги ишлари тўғрисидаги материаллар, халқаро мавзудаги лекциялар ёзилган магнит ленталари мавжуд.

Пропагандистлар заруратга қараб бундай суҳбатларнинг ўзларига керакли қисмларни ҳам эшитишлари мумкин. Пропагандистлардан В. Ю. Виноградов, В. Г. Мороз, А. К. Письлегинлар таблицалардан моҳирлик билан фойдаланиб машғулотларда мавжуд кўргазмали қуролларни кенг ишлатишади.

Ҳозир сиёсий маориф кабинетида КПСС XXV съезди материаллари бўйича 6 та диафильм, СССР Конституцияси бўйича 4 та диафильм, умуман олганда эса илмнинг турли соҳалари бўйича 300 дан кўп диафильмлар мавжуд. В. И. Ленин, Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, М. И. Калинин нутқлари ёзилган грамфон ёзувлари алоҳида аҳамиятга эга бўляпти. Сиёсий маориф кабинетининг комплекс техник воситаларини дистанцион бошқариш пультига эга бўлган лекция зали пропагандистлар учун жуда қўл келяпти. Масалан, 3-цех қизил бурчагида «Украина» киноаппарати ўрнатилган. Бу ерда радиоприёмник ва кино намойиш этиладиган жойлар мавжуд.

Кино лавҳаларни намойиш этиш пропагандистларга машғулотлар даражасини кўтариш имконини беряпти. Пропагандист В. И. Будилин «Совет халқи — кишиларнинг янги тарихий иттифоқи» мавзусини тингловчилар билан муҳокама қилганда «Пахта — республикамизнинг бойлиги» фильмидан кинолавҳа кўрсатилди. Унда Ўзбекистоннинг Совет ҳокимиятининг 60 йили мобайнидаги муваффақиятлари ишонарли ва ёрқин акс этган. Пропагандист Н. Х. Мусин «КПСС тарихи» курсини ўрганишда биринчи жаҳон урушининг моҳиятини тушунтираётиб «Ленин Польшада» бадиий фильмидан парча кўрсатди. Бу парча тингловчиларнинг империализмнинг ҳақиқий башарасини тўла тушунишига имкон берди.

СУРАТДА: трактор заводи сиёсий маориф кабинетининг лекция зали.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «СССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДОКЛАДИНИ, КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ (1978 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН

Кириш машғулотларининг намунавий плани

1. КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) Пленуми— коммунизм учун курашда тарихий босқич.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «СССР қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида»ги доклади— партия ленинча аграр назарияси ва сиёсатини ижодий ривожлантиришга қўшилган йирик ҳисса. КПСС аграр сиёсатининг илмийлиги ва чуқур реализми.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X Пленуми материаллари.

2. Партия аграр сиёсатини амалга ошириш муваффақиятлари.

КПСС Марказий Комитетининг март (1965 йил) Пленумидан кейин СССР ва Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий якунлари. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, механизациялаш, химиялаш ва ерларни мелиорациялаш суръатларининг жадаллаштирилиши. СССР ва Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг (умумий ва айрим турлари бўйича) ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши. Асосий соҳа—пахтачиликни ривожлантиришда республика муваффақиятлари. Колхоз ва совхозлар экономикасининг юксалиши. Қишлоқни социал ривожлантириш. Кадрларнинг сифат жиҳатидан ўсиши. Халқ фаровонлигини оширишга қаратилган партия бош йўлини амалга оширишда қишлоқ хўжалигининг роли.

3. Ривожланган социализм шароитларида қишлоқ хўжалиги соҳасида КПСС ленинча стратегияси ва тактикаси.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама динамик ривожлантириш вазифалари. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш. Қишлоқ хўжалигида капитал маблағнинг кўпайиши ва қишлоқда қурилиш тараққиёти. Колхоз ва совхозларни деҳқончилик, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун юқори унумли-техника билан таъминлаш, комплекс механизациялаш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши. Техника, минерал ўғит, мелиоратив ерлардан фойдаланишнинг долзарб вазифалари. Қишлоқда агрохимия хизматининг такомиллашиши.

4. Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлаш партия ва давлатнинг стратегик вазифасидир.

Ғалла ишлаб чиқариш ишнинг зарбдор участкасидир. Донни ғоят қисқа муддатларда йиғиб олишга, ерларнинг унумдорлигини оширишга, деҳқончилик маданиятини кўтаришга қаратилган агротехник усуллар, имконият ва резервлар. Республикада дон етиштиришни, айниқса суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш вазифалари.

Пахта сифатини яхшилаш ва уни ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш. Янги ерларни ўзлаштириш, пахта ҳосилдорлигини оширишнинг вазифалари ва йўллари. Алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш, пахтанинг тез пишар навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳимоянинг биологик усулларини кенг қўллаш.

Пахтанинг сифатини ошириш— уни ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг барча босқичларида диққат эътиборида туриши керак. Машинада терилган пахтани сақлашни, уни қайта ишлаш ва тозалаш технологиясини яхшилаш. Бригадалар бўйича терилган пахтани қабул қилиш ва баҳолашни ташкил этишни таъминлаш.

СССР ва Ўзбекистон ССРда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифалари.

Чорвачиликни интенсив методларга кўчириш, уни замонавий, юқори унумли соҳага айлантириш зарурияти. Гўшт етиштиришни кўпайтириш— биринчи галдаги вазифа. Замонавий озуқа ишлаб чиқаришни ихтисослашган тармоқ тариқасида яратиш. Бошоқли экинлар: лавлаги, кунгабоқар, картошка сабзавот ва мевалар, ипакчилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш юзасидан тадбирларнинг амалга оширилиши.

5. Қишлоқ хўжалигида ва аграр-саноат комплекси тармоқлари ўртасида иқтисодий муносабатлар.

Қишлоқ хўжалигида ва аграр-саноат комплекси тармоқлари ўртасида иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашиши.

Планлаштириш, рағбатлантириш, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, аграр-саноат комплекси барча тармоқларининг ўзаро алоқасини яхшилаш— иқтисодий механизмни янада такомиллаштириш йўллари. КПСС XXV съездининг хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси базасида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори—буюк ленинча кооператив плани ғояларининг амалга оширилиши ва янада ривожланишидир.

Ўзбекистон ССР хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграциясини янада ривожлантириш вазифалари.

6. Қишлоқда ташкилотчилик ва идеология ишларининг услуб ва методларини ҳар томонлама яхшилаш.

Коммунистлар ишлаб чиқариш ва тарбиявий ишларнинг ташкилотчилари. Бошланғич партия ташкилотларининг изчил ва аниқ мақсадга қаратилган фаолияти уларнинг кишиларни руҳлантириш ва уюштира олиш маҳорати— партия аграр сиёсатини изчил ва самарали амалга оширишнинг ҳал қилувчи омилидир. Олға томон ҳаракатимизга ҳалақит бераётган барча кўринишларга қарши совет кишиларининг муросасизлиги.

Интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар масъулиятини ошириш, меҳнат ва маиший турмуш шароитларини яхшилаш, қишлоқ меҳнаткашларининг тобора ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш муҳим вазифадир. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги учун, тайёр маҳсулотнинг ҳар бир килограммини сақлаш ва истеъмолчиларга етказиш учун кураш ҳар бир коммунист, комсомол, ҳар бир меҳнатчининг ватанпарварлик бурчи. Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширишнинг бориши тўғрисида (Бокудаги тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ПАРХЕЗ — ЯХШИ ДАВО

Сариқ касаллигида асосан жигарнинг тўқималари зарарланади. Бу орган эса истеъмол қилинган оқсил, ёғ, углеводларни парчалашда ва ҳазм қилишда иштирок этади. Шунинг учун сариқ касалини даволашда тўғри овқатланиш катта аҳамиятга эга.

Бемор истеъмол қиладиган овқат, биринчидан жигарни муҳофаза қилиши керак бўлса, иккинчидан организмни тўйимли, етарли калорияга эга бўлган озиқа билан таъминлаши керак. Касалга бир кунда 200 граммгача оқсил бериш лозим. Бемор бир кунда 200—300 грамм творог, оқсиллардан гўшт ҳам истеъмол қилиши керак. Гўштдаги оқсиллар жигар тўқимасидаги оқсилни кўпайтиради.

Сариқ касалида ёғни камроқ истеъмол қилган маъқул чунки ёғнинг парчаланиши сариқ касалида анча сустлашади ва ҳосил бўлган моддалар жигар тўқималарига салбий таъсир қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сариқ касаллигида истеъмол қилинадиган овқатда кўпроқ углевод етарли даражада оқсил (айниқса ўсимлик ва сут маҳсулотлари), озроқ ёғ бўлиши керак. Сариқ касаллигида шиpгуруч, манна ва гречка, сулидан бўтқа, макарон, картошка, творог, сут, қатиқ, озроқ қаймоқ, сариёғ, 1—2 дона тухум истеъмол қилиш керак. Бемор сабзавотлардан сабзи, бодринг, помидор еcин. Унга турли меваларлардан компот, кисел тайёрлаб бериш керак. Ширинликлардан: қанд, шакар, асал, мураббо еса бўлади.

Юқорида кўрсатилган озиқ-овқатлардан беморнинг ҳолатига, иштаҳасига қараб ҳар турли таомлар тайёрлаб бериш мумкин. Касалликнинг бошланиш давридан эътиборан беморга бир суткада камида 2—3 литр суюқлик (чой, минерал сувлар, мева сувлари) бериш керак.

Сариқ касаллигининг ҳамма даврида ва ундан тузалгандан кейин спиртли ичимлик (арок, вино, пиво) истеъмол қилиш асло мумкин эмас. Спиртли ичимликлар бемор жигари тўқималарига кучли таъсир кўрсатади ва тўқималарнинг кўпроқ ўлишига сабабчи бўлади. Оқибатда касаллик жуда оғир ўтади ва ўлим билан тугалланиши мумкин. Шунингдек, жигарга тамаки таркибидаги никотин ҳам ёмон таъсир қилади.

Бемор шифохонадан тузалиб чиққандан кейин ҳам парҳезни давом эттириши шарт. Сариқ касали енгил ва ўртача ўтганда 3—6 ой, касаллик оғир ўтганда ундан ҳам кўпроқ парҳез қилмоқ зарур. Лекин айрим беморлар шифохонадан чиққач, кўпинча фақат углеводли овқатлар ва сут маҳсулотлари билан овқатланадилар, бу тўғри эмас. Организм учун зарур бўлган оқсиллар гўшт, янги балиқ, творог, сут, қатиқ, бир-икки дона тухум ва бошқа юқорида кўрсатилган озиқалар, сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилиш керак. Шифохонадан тузалиб чиққандан кейин ҳам спиртли ичимликларни ва папирос чекишни бутунлай ташлаш саломатликка катта ёрдам беради.

Биз юқорида айтган парҳезлар тўғри қўлланса, ҳар қандай оғир сариқ касаллиги тузалиб кетади ва ҳеч қандай асорати қолмайди.

Б. ВОҲИДОВ,
медицина фанлари кандидати.

Қирғизистон ССР. Республика кардиология ва курортология илмий-текшириш институтининг олимлари юксак тоғ шароитида табиий даволаш ресурслари ёрдамида турли касалликларни комплекс усулида даволашни ташкил этишда катта муваффақиятга эришмоқдалар.

Институт клиникасига келган бемор бу ерда 30 кунлик курсни ўтагач, бепул даволаниши учун курортга йўлланма олади. Даволашнинг бундай йўлга қўйилиши беморни тезда соғайиб кетишига ва меҳнат жараёнига қайтишига ёрдам беради.

Неврологик касалликлар қошидаги илмий-текшириш институти врачлари эса электр таъсирида ухлатиш усулидан самарали фойдаланишмоқда.

СУРАТДА: медицина ҳамшираси П. Г. Волинин сеанс ўтказяпти.

ТАСС фотохроникаси.

Газетхон саволларига жавоб

Ж. ИКРОМ О В А: Ҳурматли редакция! Мен қандни, умуман ширинликни яхши кўраман, уни кўп ейиш соғлиққа зиён қилмасмикин?

Жавоб: «Шакарнинг ҳам ози ширин» деганларидек, ширинликни етарли миқдорда, меъёрда истеъмол қилиш соғлиқ учун зиён қилмайди. Бир кун мобайнида жисмоний меҳнат кишилари 70—100 грамм, ақлий меҳнат кишилари 60—70 грамм, болалар эса 40-50 грамм қанд есалар етарли бўлади. Қанд ва қанд моддаларига бой бўлган кондитер маҳсулотларини нормадан ортиқ истеъмол қилиш организмда ёғ моддалари йиғилишига олиб келади, жигар, ошқозон ости безлари ва қон-томир системаси фаолиятига ёмон таъсир этади, шунингдек у тиш касалликларидан «кариес»ни келтириб чиқаради. Агар ширинликни кўп истеъмол қилиш эҳтиёжи кучли бўлса, бу моддага бой бўлган асал, узум, олма ва қовун-тарвузларни еса айни муддаодир.

⁂

М. РАСУЛОВА: Менинг бир синглимга эшак еми кўп тошади, бундай беморлар қандай парҳез қилиши, нималарга кўпроқ эътибор бериши керак?

Жавоб: Эшак еми ҳашаротлар чаққанда, қичитқон ўт барглари баданга тегиб куйдирганда, шамол, совуқ ёки қуёш таъсирида, ўткир калорияли овқатлар мунтазам истеъмол қилинганда тошади. Одатда эшак еми баданга тез ёйилиб, бир неча минутда катта-катта қизғиш-оқ доғларга айланади, қичийди.

Қичишни босадиган ташқи чоралардан ультра бинафша нурлар яхши фойда беради. Спирт, ментол ва эфир қўшилган эритмаларни баданга суркаш яхши натижа беради. Баданига эшак еми тошиб юрадиган кишилар ўткир дориворли овқат, консерва, маринад, қази, алкоголли ичимликларни истеъмол қилмасликлари керак. Бемор ҳар куни 200 грамм сабзи суви ичиб туриши, парҳез сақлаши ва ичини юриштириб туриши лозим.

Баданига эшак еми тошиб юрадиган кишилар таналарини тоза тутиши, илиқ сувга чўмилиши керак. Спирт ёки оддий ароққа латта ҳўллаб баданнинг қичишаётган жойларини артиш мумкин, терининг тирналган-чақаланган жойларига йод суриш мумкин.

⁂

А. ЮСУПОВ, Х. ТОЖИМАТОВ, Қ. ЗАРИПОВ: Биз терида учрайдиган ҳар хил ҳол, сўгал ва ҳуснбузарларни қаерда даволатишни билмоқчи эдик. Агар терида сўгалдан ёки шунга ўхшаш касалликлардан кейин яра пайдо бўлса қаерга мурожаат қилсак бўлади?

Жавоб: Юз терисига доғ тушганда, юз ёки қўлда сўгал пайдо бўлганда, хунук ҳолларни йўқотишда ва шунга ўхшаш касалликларни даволатишда тери хасталикларини даволовчи врачлар, косметологлар ёрдам беришади. Шаҳримизда ана шундай косметик шифохона бор. Косметик кабинет шаҳримизнинг Чимкент кўчасидаги 1-уйда (Марказий универсал магазини олдида) жойлашган. Бу ерда косметолог врачлар ҳамма ёрдамни беришади. Теридаги баъзи касалликларни эса республика тери-венерология касалликлари диспансеридаги (Кафанов кўчаси, 104-уй) мутахассис врачларга кўрсатиб даволатиш мумкин.

⁂

С. ШОКИРОВ, О. ТОИРОВА: Овқатланиш режими тартибли бўлса, вақтида овқатланилса, соғлиққа фойда дейишади. Овқатланиш режими қандай бўлиши керак?

Жавоб: Дарҳақиқат овқатланиш режимига доим амал қилинса, соғлиққа фойдали бўлади. Соғлом киши турли овқатларни истеъмол қилиши керак. Кунига тўрт марта овқатланиш айни муддаодир. Кун бўйи истеъмол қилиниши лозим бўлган овқатнинг 25—30 процентини нонуштада (эрталаб), 10—15 процентини чошки овқат вақтида (тушга яқин) 40—45 процентини тушликда ва 15—20 процентини кечки овқат пайтида истеъмол қилиш керак. Агар кунига уч марта овқатланиладиган бўлса, кунлик овқатнинг 25—30 процентини нонуштада, 40—45 процентини тушликда ва 20—25 процентини кечқурун истеъмол қилиш керак. Кечки овқатни уйқуга ётишдан бир ярим-икки соат олдин ейиш керак. Ҳар куни қайнамаган сув ичишга одатланишнинг ҳам фойдаси бор. Сувни овқатдан ярим соат илгари ёки овқатдан сўнг икки соат ўтгач ичиш керак, лекин бир пиёладан зиёд ичманг.

◆ ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

ҚОВОҚНИНГ ХОСИЯТИ

Қовоқнинг организмга шифобахшлигини Абу Али ибн Сино алоҳида таъкидлаб, қовоқ мевасидан тайёрланган қайнатма кўкрак оғриғи ва йўталга, қовоқ шираси томоқ оғриғига ва мия касалликларига ва бошқа дардларга даво эканини алоҳида уқтириб ўтади.

Қовоқ мевасининг этли қисми таркибида витамин С, B_1, B_2, никотин кислотаси, каротиноидлар, қанд маҳсулотлари мавжуд. Шунинг учун ҳам қовоқ мевасининг этли қисмини жигар хасталиги сариқ касаллигида, кишини қабзият тутганда, темиратка ва буйрак касалликларида истеъмол этиш тавсия этилади. Жигар ва буйрак касалликларида қовоқ маҳсулотлари пешоб ҳайдовчи дори сифатида ҳам берилади.

Қон босими ошиш касаллигининг бошланғич формаларида қовоқ ва ундан тайёрланган маҳсулотларни истеъмол этиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатмоқда. Чунки қовоқ маҳсулотлари қон томирларини кенгайтириб, қон босимининг пасайишига олиб келади.

Медицинада қовоқ уруғидан тайёрланган дори маҳсулотлари лентасимон гижжаларни ва баъзида эса юмалоқ гижжаларни тушириш учун ишлатилади.

М. АЗИМОВ,
Тошкент Давлат медицина институти фармокология кафедрасининг доценти.

Қ. НИЗОМОВ.

◆ СЎРАГАН ЭКАНСИЗ

Дори ичиш тартиби

«Ҳурматли редакция! Шифокор ёзиб берган дорини аптекадан олаётганда «овқатдан олдин ёки кейин ичинг» дейишади. Буни қандай тушуниш керак, дорини овқатдан қанча олдин ёки кейин ичиш керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Х. Исматуллаев, А. Ғафуров ва **П. Ғиёсовлар** хатидан.

Оқшомхонларнинг бу хатига Тошкентдаги 1-дорихона мудири ўринбосари, биринчи категорияли доришунос Наталья Лукяновна Куликова шундай жавоб беради:

●

—Даволовчи врачлар томонидан ёзиб бериладиган ҳамда дорихоналардан сотиб олинадиган дори-дармонлар беморларнинг умумий аҳволига қараб тавсия этилади. Касалликнинг характерига (тана ҳарорати, юрак фаолияти, турли оғриқлар ҳамда яралар тури) қараб бир-икки-уч марта сўзи ишлатилади. Бунда бир кун — 12 соатга нисбатан олинади. Икки марта бўлса, дори ҳар 6 соатда, уч марта бўлса ҳар 4 соатда ичилади. Овқатдан олдин дейилса дори ичиб, овқат ейиш, кейин дейилса овқат еб бўлгач, дори ичиш мумкин. Бунда муддат бўлиши шарт эмас.

Овқатдан олдин ёки кейин дори ичиш дейишликнинг сабаби шундаки, бу вақтда меъда шираси ҳисобга олинади. Меъда шираси кам ёки нормал бўлса овқатдан олдин, яъни бир вақтда, меъда шираси ошиб кетган бўлса, овқатдан кейин дори ичиш керак.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш кераки, беморга дори бераётган ҳар бир доришунос дори ичиш тартиби ҳақида албатта тўлиқ тушунча бериши шарт.

ЧЎЛДА САНАТОРИЙ

Хушманзара Хўжамушкент тоғида Мирзачўлда биринчи санаторий қурилиши тугалланди. Янги шифохона комплексида яхши жиҳозланган даволаш ва процедура хоналари, лаборатория, ётоқхона корпуслари бор. Бу ерда ҳар йили чўлқувар, пахтакор чорвадорлардан мингдан зиёд киши ўз соғлиғини тиклайди.

(ЎзТАГ).

«ЛИНГВИСТИК ГЕОГРАФИЯ»

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали — Н. Довқораев номли тарих, тил ва адабиёт институтининг олимлари қорақалпоқ тили диалектологик атласини тузишни тамомладилар. Бу ўзига хос «Лингвистик география»нинг 140 та харитасида қорақалпоқ халқи диалектлари ва шеваларининг ўзига хос хусусиятлари, ана шу тиллар тарқалган территориялар белгилаб қўйилган.

Бу илмий асар СССР Фанлар академиясининг тилшунослик институти яратаётган «СССР турк тиллари диалектологик атласи»нинг таркибий қисми бўлиб қолади.

(ЎзТАГ).

ҲАМИД ОЛИМЖОН УЙИ

Жиззах районидаги «Москва» колхозида бир уй борки, бу томонларга келган деярли ҳар бир киши ана шу уйга албатта кириб ўтади. Бу —1909 йил 12 декабрида Жиззах диёрида дунёга келган ажойиб шоир Ҳамид Олимжон музейидир.

Музейда Ҳ. Олимжоннинг дастлабки шеърлари босилган газеталар сақланмоқда. Бу ерда тўпланган кўпдан-кўп фотосуратлар шоирнинг жўшқин ҳаётидан далолат беради. Объектив уни «Қизил қалам» жамиятининг аъзолари орасида, Ўзбекистон колхозчиларининг съездида, Улуғ Ватан уруши йилларида ҳаракатдаги армияга борган вақтини тасвирлаб қолган. Ҳамид Олимжоннинг турли вақтларда рус ва ўзбек тилларда нашр этилган асарлари стендларга қўйилган.

Бўлимларнинг бири ўзбек шоирининг қардош республикалар шоирлари билан дўстлигига бағишланган. Ҳ. Олимжон 1929 йилда Владимир Маяковский билан танишган. Ҳ. Олимжоннинг шундан кейинги йиллардаги кўпгина шеърлари революциянинг ана шу ажойиб куйчиси таъсири остида ёзилган. Музейда ўзбек шоирини Александр Фадеев, Якуб Колас билан биргаликда тасвирлаган фотосуратлар бор.

Залларга жойлаштирилган жами салкам юзта экспонат ўзбек халқининг шонли фарзанди Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва фаолиятини тасвирлаб беради.

У. САКСОНБОЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/XI да **Риголетто,** 16/XI да **Спартак,** 17/XI да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/XI да **Қароқчилар,** 16/XI да **Ганг дарёсининг қизи,** 17/XI да **Қалби олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/XI да **Хотинимнинг эри,** 16/XI да **Она қизим,** 17/XI да **Олифта.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирк артистларининг гастроллари (19.30).**

КИНО

15 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ-ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ» — **Санъат саройи.**

«17 НОЯБРЬ КЎЧАСИДАН РЕПОРТАЖ» — **Восток.**

«ПАРИЖ КОММУНАСИДАН ОКТЯБРГАЧА» — **Ғунча.**

«НАЧДИВ АЗИН» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

«ИШЧИЛАР ЭСТАФЕТАСИ» — **С. Раҳимов номли.**

«РУС ХАЛҚИ ТАЛАНТЛАРИ» — **Қозоғистон.**

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ГУГУРТ» — **Пионер.**

«ОИЛА» — **Навоий номли.**

«ҲАЁТ БЎЙЛАБ 1500 КИЛОМЕТР» — **Кўкча.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ЙЎҚОЛИШ» — **Ҳамза номли.**

«СУБҲИДАМЛАР БЎСАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«ҚАМАЛ» — **Лисунов номли.**

«МАХСУС ЭЪТИБОРДАГИ ЗОНА» — **Ғ. Ғулом номли.**

ХРОНИКАЛ ВА ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги, Чайка, Кўкча, Пионер, Ғ. Ғулом номли, Нукус, Ғунча, Москва, ВЛКСМ 30 йиллиги номли, Восток.**

16 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ-ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«ОКТЯБРЬ ГАПИРАДИ» — **Санъат саройи.**

«17 НОЯБРЬ КЎЧАСИДАН РЕПОРТАЖ» — **Восток.**

«РУС ХАЛҚИНИНГ ТАЛАНТЛАРИ» — **Қозоғистон.**

«РАССОМ ИЛЬЯ ГЛАЗУНОВ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги.**

«ГУГУРТ» — **Пионер.**

«ҲАЁТ БЎЙЛАБ 1500 КИЛОМЕТР» — **Кўкча.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЖАНУБДАН КЕЛАЁТГАН ТАЧАНКА» — **Москва, С. Раҳимов номли.**

«ЙЎҚОЛИШ» — **Ўзбекистон 25 йиллиги, Ҳамза номли.**

«СУБҲИДАМЛАР БЎСАСИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги.**

«ЯРОСЛАВ ДОМБРОВСКИЙ» — **Лисунов номли.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ВА ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР ПРОГРАММАСИ — **С. Раҳимов номли, Тошкент Советининг 50 йиллиги номли, Қозоғистон, Навоий номли, Ўзбекистон 25 йиллиги, Чайка, Кўкча, Пионер, Ғафур Ғулом номли, Нукус, Ғунча, Москва, ВЛКСМ 30 йиллиги, Восток.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

(Ленин номли майдон)

22 НОЯБРЬ соат 19.30 да

ЎЗБЕКИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ДАВЛАТ СИМФОНИК ОРКЕСТРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА:

I бўлим

Рахманинов — СИМФОНИК РАҚСЛАР.

II бўлим

Рахманинов — ФОРТЕПИАНО ВА ОРКЕСТР УЧУН 2-КОНЦЕРТ.

Бриттен — МУЗИКАЛИ ОҚШОМЛАР, РОССИНИ БЎЙИЧА БЕШ ҚИСМДАН ИБОРАТ СЮИТА (Тошкентда биринчи марта ижро этилиши).

Солист — **РСФСРда хизмат кўрсатган артист,** профессор **Евгений Малинин.**

Дирижёр — Владимир Неймер.

Билетлар «Баҳор» концерт зали кассасида соат 14.00 дан бошлаб сотилади.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

15 ноябрдан бошлаб

2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ

КАТТА ХИЛМА-ХИЛ ПРОГРАММА,

АРЕНАДА МОСКВАЛИКЛАР

ЎРГАТИЛГАН АЙИҚЛАР ГРУППАСИ ИШТИРОКИДА

ИЛЛЮЗИОН ТОМОШАЛАР

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхозлар ва совхозларга кассирлар томонидан билет олиб бориб бериш хизмати кўрсатилади.

Телефон: 44-35-84, 44-35-91.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йили учун
ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ТЕМИР ЙЎЛ БОШҚАРМАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МУТАХАССИСЛАР: **Совет Армияси сафларидан хизмат қилиб қайтган кишилар ҳисобидан машинистлар** (ўқиш муддати — 2 йил), **10-синф маълумотида станциялар навбатчиси** (ўқиш муддати— 1 йил), **8-синф маълумотида станциялар навбатчиси** (ўқиш муддати — 3 йил).

8-синф маълумотидаги ўқувчилар ихтисос билан бирга ўрта маълумот тўғрисида аттестат оладилар ва давлат таъминотида бўладилар — уларга кийим-бош, уч маҳал овқат, 10 синф маълумотидагиларга эса 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчилар моддий рағбатлантириб борилади.

Ўқишни тугатган ҳамма ўқувчилар иш билан таъминланади, темир йўл транспорти ходимлари имтиёзларидан фойдаланади, ўқиш аълочилари эса олий ва ўрта ўқув юртларига юборилади.

Қуйидаги ҳужжатларнинг бўлиши шарт: ариза, автобиография, ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат (8-синф маълумоти ҳақида гувоҳнома), паспорт (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома), медицина картаси (АКУ формаси, МПС томонидан тасдиқланган), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, 6 та фотосурат (3х4см.), шахсий варақа (Т—2 форма).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй, (7, 9, 11, 14, 21, 24-трамвайлар, 13, 15, 16-троллейбуслар, 18, 54-автобусларнинг «Киров боғи» бекати). Телефон 53-43-52.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 НОЯБРЬ—ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.35 «Ўсмирлар учун музикали кечалар». Останкино концерт студиясидан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Ўсмирлар учун музикали кечалар» (давоми). 19.30 «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари—ҳаётга!». 19.50 «1978 йил қўшиқлари». 20.30 «Камилла». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шоир Р. Рождественский олиб боради. 23.15 В. Моцарт. Скрипка ва фортепьяно ижроси учун ёзилган соната. РСФСР халқ артисти Э. Грач ва А. Малолеткова ижро этади. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун мультфильм. «Куз, ёмғир ва қўзиқоринлар». 18.25 «Ёзувчилар — болаларга». Х. Пўлат. 18.55 «Партия ходими минбари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус). 19.30 «Кино оламида». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари. Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоз «Қалдирғоч» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Комсомол ёшлигим менинг». Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллигига бағишланган байрам программаси (такрорий кўрсатув) 00.15 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Кичкинтойлар учун физика». 20.30 «Тошкент ва тошкентликлар». «Мусобақа ташаббускорлари ҳузурида» (рус.). 21.00 Тошкент янгиликлари.

16 НОЯБРЬ— ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Китоб сенинг ҳаётингда». 10.35 «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм. 12.00 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув. 12.45 «Сен гимнастикада». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.15 М. Глинка номли Ленинград Давлат академик капелласининг чиқиши. Бадиий раҳбар ва дирижёр—В. Чернушенко. 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Кинопрограмма. «Пролетарка»лик тўқувчи», «Бизни унутма, йўл». 15.55 «Сенинг ленинча кутубхонанг». 16.25 «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 «БАМни қураётганлар ҳақида». В. Кладницкийнинг қўшиқ сюитаси. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

17.15 «Рус тили». 17.45 «Горнчилар, қаердасиз». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Биргаликда аҳил оиламиз». 19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Колхоз қишлоғининг янгиликлари». 20.00 «Рус романси». СССР халқ артисти О. Вардина ҳамда РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Некрасов раҳбарлигида Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг рус халқ чолғу оркестри ижро этади. 20.25 «Камилла». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия (Италия). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Халқаро Олимпия «Спортлото»си. 2-чиқарилиши. Прагадан олиб кўрсатилади. 23.10 Елканли спорт бўйича СССР чемпионати. 23.35 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Балиқчилик ва балиқ бойликларини муҳофаза қилиш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Дмитрий Алексидзе». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Балиқчилик ва балиқ бойликларини муҳофаза қилиш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Қизил шапкача». И. Охунбобоев номли Ўзбек Давлат ёш томошабинлар театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қўли гул усталар» Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим». 18.45 «Ишга тушириладиган объектлар сафига». Бухоро ип-газламалар комбинати. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Шеърият билан учрашув». О. Матчон. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Зоҳид Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Пахтазор — мардлар майдони». 22.15 «Серафим Фроловнинг муҳаббати». Бадиий фильм. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳар 6-сон заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати коллективи шу мактаб директори С. М. Музаффаровга укаси

Талъат
МУЗАФФАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент метрополитени коллективи дистанция бошлиғининг ўринбосари Г. Соатовга отаси

Тўлаган СОАТОВИЧ
СОАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш 32-56-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 38-81-42, 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг нашриёт диспетчери навбатчилари — 33-90-50.

Р. 07268. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1458.